Ушбу сонда:

2 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

3 OLAMDA NIMA GAP

4 ҲУНАРМАНДЛАР ВА МЕЪМОРЛАР ШАҲРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

UZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 9 октябр, сешанба №158 (1172)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ТАШРИФ ҚОЛДИРИЛДИ

2001 йил 7 октябр куни бевосита Ўзбекистон ҳудуди яқинида халқаро террорчилик тизимини йўқ қилиш бўйича кенг кўламли операция бошлангани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 8-10 октябр кунларига мўлжалланган Австрия Республикасига ташрифини қолдириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Австрия Республикаси раҳбарияти ушбу қарорни маъқуллади.

Томонлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини яна бир карра таъкидлайди ва ташриф яқин келажакда амалга ошишига умид билдиради.

**(ЎзА)**

*«Дўстлик» ордени соҳиблари*

***Ғафур Ғулом номидаги қоракўлчилик наслчилик ширкат хўжалиги 1979 йилда Қарши даштининг қоқ ўртасидаги Авазчўл яйловида ташкил этилган эди. Вилоят раҳбарлари «Нишон» Давлат наслчилик заводида ферма мудири бўлиб ишлаб турган Мамат Жумақуловни катта ишонч билан янги хўжаликка раҳбар этиб тайинлади.***

## ТЕРАН ТОМИРЛАР



Ўшандан бери 22 йил ўтди. Бийдек поёнсиз дашт ўрнида замонавий чорвадорлар посёлкаси қад кўтарди. Ҳозир бу ерда 260 оила истиқомат қилади. Асли туркман фарзанди бўлган Мамат оға Жумақулов икки минг нафарга яқин кишининг бошини қовуштириб турибди.

Истиқлолнинг ўн йиллиги арафасида М.Жумақулов «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

— Юртимизда азалдан миллат ва элатлар ўртасида дўстлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик ҳукмрон бўлиб келган, - дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Умидулла Шаропов. - Халқимизга хос бағрикенглик ва ҳамнафаслик, меҳрибонлик ютуқлар омили.

Хўжаликда ўнга яқин миллат ва элат вакиллари бир оиланинг фарзандларидек аҳил ва иноқ яшашади. Масалан, 3-ферма мудири Шоймардон Чўянов ўзбек, 1-ферма раҳбари Назар Ниёзов туркман, Шомурод Назаров тожик ва ҳоказо. Улар ўртасида меҳр-муҳаббат, биродарлик туйғулари сингиб кетган.

Жамоа сардори Мамат оға отаси Жумақул бободан чўпон таёғини қабул қилиб олган. Марҳум онаси Зайнаб момонинг ўгитларини доимо қалбида сақлайди.

Энди эллик беш ёшни қаршилаган бу фидойи инсон қарийб чорак асрдан бери Авазчўл, Девхона, Қораюлғун, Чилгумбаз, Ҳақназар яйловларини қадамба-қадам кезади. Туркманистон ерлари билан туташиб кетган 70 минг гектарли хўжалик ҳудудининг ҳар бир қаричини яхши билади.

Бу меҳнат жамоаси қўйчилик маҳсулотлари ва наслдор қўчқорлар етиштириш бўйича республикада биринчиликни эгаллаб келмоқда. Ҳар йили давлатга дон ва пахта сотиш йиллик режалари бажарилади.

Хўжалик аъзолари ўтган йилни 23 миллион сўм соф фойда билан якунладилар.

Бош ҳисобчи Тилак Қурбоновнинг айтишича, шу ярим йилликда 12 миллион сўм фойда олинган. Давлатга режадан ташқари 300 тонна дон топширилди. Чорвадорлар 6 минг тоннага яқин ҳашак жамғариб, нафақат ўзларини, балки Деҳқонобод тумани чорва молларини ҳам озуқа билан таъминладилар.

Хўжалик пахта бўйича йиллик режани ошириб адо этди.

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими», бир неча орден ва медаллар соҳиби Мамат Жумақулов умр йўлдоши Сафаргул Норбоева билан 8 нафар ўғил-қизни, 12 та неварани тарбиялаб, бахтли ҳаёт кечирмоқдалар.

Хўжаликда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ободонлаштиришга қаратилган ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Қисқа муддатда 400 нафар ўқувчи таълим оладиган мактаб, қишки клуб қурилди. Қишлоқ қабристони ободонлаштирилди.

Бу ерда истиқомат қилувчи 14 нафар кам даромадли оила, ногирон ва нафақахўрларга ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Атрофи анвойи гуллар ва серҳосил дарахтлар билан ўралган, хўжаликнинг маъмурий идорасига кираверишда буюк жаҳонгир Амир Темурнинг «Халқ дардига дармон бўлмоқ бурчимиздир» деган ҳикматли сўзлари ёзиб қўйилган.

Касаба уюшма қўмитасининг раиси Мустафоқул Каримовнинг айтишича, бу йил чўпон-чўлиқларга 4 миллион 200 минг сўмлик мукофот пули берилади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида қўшни Афғонистонда содир бўлаётган воқеалар муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.***

Уни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши котиби М.Раҳмонқулов бошқарди.

Куни кеча АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари халқаро террорчиликка қарши кураш доирасида Афғонистоннинг Кобул, Қандаҳор, Жалолобод, Мозори Шариф ҳамда Ҳирот шаҳарларига ҳаводан зарба берди. Террорчилик тизимини йўқотиш борасида тузилган халқаро коалицияга жаҳоннинг аксарият давлатлари қўшилгани сир эмас. Ўзбекистон бир неча бор террор хуружини ўз бошидан кечирган давлат сифатида халқаро ҳамжамият танлаган бу йўлдан четда тура олмайди.

Брифингда таъкидланганидек, бу зарбалар афғон халқи ёки ислом динига эътиқод қилувчиларга эмас, балки халқаро террорчиликка қарши йўналтирилган ҳарбий тадбирдир. Бу фикрни АҚШ ва етакчи Ғарб давлатлари раҳбарлари қаторида Ўзбекистон Президенти ҳам ўз чиқишларида неча бор таъкидлаган. Ислом Каримов 5 октябр куни журналистлар билан учрашиб, Афғонистон билан боғлиқ воқеалар юзасидан расмий баёнот эълон қилди ва Ўзбекистоннинг минтақадаги вазиятга муносабатини аниқ-равшан ифодалаб берди.

Лекин куни кеча АҚШ ва Буюк Британия қуролли кучлари Афғонистонга ҳаво зарбаси берганидан кейин хориждаги айрим оммавий ахборот воситалари турли асоссиз миш-мишлар, уйдирмалар тарқата бошлади. Гўё Ўзбекистон-Афғонистон чегарасида катта миқдорда қўшин тўпланаётгани, ҳадемай ҳарбий ҳаракатлар бошланиб кетиши мумкинлиги ҳақидаги хабарларнинг таги пуч экани кўпчиликка равшан. Ташқи ишлар вазири А.Комилов бу уйдирмаларни қатъиян рад этар экан, Ўзбекистоннинг Афғонистондаги воқеаларга муносабати давлатимиз раҳбарининг баёнотида ўзининг аниқ аксини топганини таъкидлади.

Маълумки, Ўзбекистон аксилтеррор тадбирини ўтказишда АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига ўз ҳаво кенгликларидан ва ҳарбий аэродромларининг биридан фойдаланишга рухсат берган. АҚШнинг кам сонли ҳарбий-транспорт самолётлари ва вертолётлари бу аэродромдан афғон халқига фақат инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш учун фойдаланади. Афғонистонга Ўзбекистон ҳудудидан фойдаланган ҳолда бомбали зарба беришга, қуруқлик орқали ҳужум қилишга йўл қўйилмаслиги Президентимизнинг баёнотида алоҳида таъкидланган.

Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М. Раҳмонқулов мамлакатимизнинг Афғонистон билан чегара ҳудудидаги вазият ҳақида ахборот берар экан, «Толибон» ҳаракати Ўзбекистон сарҳадига ўн минг сонли қўшин келтириб қўйгани ҳақидаги хабарлар қуруқ уйдирма эканлигини айтди.

- Айни пайтда Афғонистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудида осойишталик ҳукм сурмоқда, - деди М.Раҳмонқулов. - У ерда «Толибон» ҳаракати ҳарбийларининг йирик гуруҳи кузатилмаган. Ўзбекистонда ҳам ҳарбий бўлинмалар жойдан жойга кўчирилаётгани йўқ. Ҳарбийларимиз доимий қўналғаларида ҳушёр турибди. Ортиқча ваҳима кўтаришга ҳеч қандай асос йўқ.

**(ЎзА).**

*Муносабат*

# БИЗ ФАҚАТ ТИНЧЛИК ИСТАЙМИЗ

***Халқаро терроризм инсоният бошига тушган бало-қазо. Қабоҳатга тўла ҳаракат ва шум ният оқибатида қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар қурбон бўлмоқда, жабр чекмоқда. Тарихнинг сабоқлари кўп. Халқаро терроризм қаердадир қўпорувчилик, ўтакетган ёвузлик содир этганида кимлардир лоқайд томошабин бўлиб турди. Охир-оқибат бу ярамас қора куч умумбашарий хавфга айланди. Энди унга қарши фақат биргаликда курашиш, XXI аср вабосини таг-томири билан йўқ қилиб ташлаш лозимлигини жумлаи жаҳон тушуниб етди.***

***Бу ёруғ дунёда кўз кўриб қулоқ эшитмаган жиноят содир этиб, жазодан қочганлар Афғонистонда макон қурдилар. Таажжубки, мазкур мамлакатда шум ниятли, аламзада кимсаларнинг жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириш учун имконият яратилди. АҚШнинг Вашингтон, Нью-Йорк шаҳарларида 11 сентябрда юз берган террорчилик ҳаракатлари инсониятнинг кўзини очди. Кўпчилик терроризм илдизларини таг-туби билан йўқотмасдан туриб, ер юзида тинчлик ўрнатиб бўлмаслигини англаб етди.***

***Шу боисдан мамлакатимиз фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Баёнотини масъулиятни чуқур ҳис қилган, ўз бурчларини чуқур англаган ҳолда қарши олдилар. Халқимиз Ўзбекистон ҳукуматининг халқаро терроризмга қарши, юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, давлатимиз чегараларини ишончли муҳофаза қилиш борасидаги сиёсати, саъй-ҳаракатларини қизғин қўллаб-қувватламоқда.***

**Назиржон АБДУСАТТОРОВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**Наманган шаҳри.**

— Ҳозирги кунда тинчлик-хотиржамлик нақадар муҳимлигини юз чандон кўпроқ ҳис қилаяпман. Ниҳоятда огоҳу сергак туриб барча-барчамизни хушёрликка тинимсиз чорлаб турган давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз. Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Баёнотидан барчани қизиқтираётган, бирдек ўйлантираётган масалалар, воқеаларга Ўзбекистоннинг муносабати қандай, бу курашда Ўзбекистоннинг ўрни ва ҳиссаси нимадан иборат бўлади, деган саволга лўнда жавоб олдим. Яхши биламанки, мустақилликка эришган кунларимиздан эътиборан Президент Ислом Каримов юритаётган сиёсат тинчлик-осойишталик, ҳамкору ҳамжиҳатлик сиёсати бўлиб келмоқда.

Халқаро терроризм чинданам ҳаддидан ошди. Энди унинг илдизи қуритилмаса, инсоният бошига кўп кулфатларни солиши мумкин. Шунинг учун ҳам жаҳон ҳамжамияти бу ўлатга қарши биргаликда курашиш кераклигини чуқур англамоқда. Мен оддий инсон сифатида жафокаш афғон халқига жуда ачинаман. Йигирма йилдан буён улар жабр-ситамда. Ахир улар ҳам инсонлардек тинч-осойишта ҳаёт кечиришлари, бола-чақаларининг роҳатларини кўришлари керак-ку! Афғон халқига ана шундай яхши кунлар албатта келишига чуқур ишонаман. Инсониятнинг боши бирикиб, халқаро террор балосига биргаликда курашаётгани албатта ўзининг кутилган самарасини беради.

**Лола ЭРГАШЕВА,**
**уй бекаси,**
**Тошкент шаҳри**

Кўп фарзандли онаман. Бирдан-бир орзуим дунё тинч бўлса, нуридийдаларим униб-ўсиб, камолга етса, Ватан корига яраса. Бироқ, Афғонистонда макон топган террорчи газандаларнинг қутуриши мени оддий инсон, бир она сифатида жуда ташвишлантиради. Ёвуз куч жиловланмаса, унга муносиб зарба берилмаса бир вақти келиб юртимизга ҳужум қилиши турган гап.

Халқаро терроризм ўзининг бошига ўзи етаяпти. Унинг касофати ҳатто Америкага ҳам етиб борди. Қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар қурбон бўлди. Дунё одамларининг чамаси энди кўзи очилди. Мудҳиш ва ўта ёвуз кучга қарши бирга-лашиб курашиш лозимлигини жумлаи жаҳон тушуниб етди. Юрагимдаги гап шуки, терроризмга қарши курашда дунё ҳамжамияти, қудратли давлатлар билан бирга бўлишимиз керак. Америка Қўшма Штатлари газандаларга қарши ҳаракатлар бошлаб, қора кучлар ўчоқлари кулга айланаётир. Зеро, зулм ва қабоҳатнинг умри қисқа.

**Владимир ПАК,**
**тадбиркор,**
**Қуйи Чирчиқ тумани**

Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида минтақамизда кескин вазият юзага келди. Бундай шароитда ҳушёрлик, ҳамжиҳатлик ҳар қачонгидан зарур. Чунки кимлардир бало-қазога қарши кураш йўлида бирлашган кучлару, одамларни йўлдан оғдиришга, улар орасига нифоқ солишга уринаётганлигини яхши ҳис қилиб турибмиз.

Биз терроризм нималигини яхши билган, унинг офатидан катта зарар кўрган халқмиз. Бу ярамас ўлат бор экан, ҳеч қачон хотиржам яшолмаймиз. Баъзан ўзимга-ўзим савол бераман: қачонгача бундай ярамас, ёвуз таҳдид бошимиз узра бало-қазо бўлиб туради? Мен оддий фуқаро сифатида Қуролли Кучларимизга, халқимиз иродасига, эътиқодининг мустаҳкамлигига ишонаман, суянаман. Айни пайтда ер юзидаги барча соғлом кучлар терроризмни даф қилишга тайёр турган бир пайтда Ўзбекистоннинг четда туриши сира мумкин эмас. Шу маънода Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз омонлигини сақлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни тўғри тушунаман, маъқуллайман. Зеро, халқаро терроризмга қарши курашда иштирок этиш борасидаги Ўзбекистон позицияси давлатимиз, ҳар бир фуқаро манфаатига тўла мос келади.

## ҒИЖДУВОНДА ИНТЕРНЕТ

***Ғиждувон тумани ҳокимлиги Бухоро вилоятида биринчи бўлиб Интернет тармоғига уланди.***

Мақсад - энг муҳим ахборотлар билан тезкор танишиш баробарида ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни реклама қилиш, шунингдек, мамлакатимиз ва жаҳондаги саноат корхоналари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат.

Ҳозирда туман саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, миллий ҳунармандчилик, хусусан, машҳур ғиждувон кулолчилигига оид сайтлар тайёрланяпти.

**(ЎзА).**

Тошкент шаҳрининг Ҳ.Абдуллаев метроси яқинида янги, замонавий турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. 54 хонадонга эга бўлган уйни 3-қурилиш комбинати бунёдкорлари барпо этдилар.

**Суратда: моҳир қурувчилар Воҳид Қурбонбоев ва Шуҳрат Мирзаев.**

**Ҳ.СОЛИҲОВ олган сурат.**



# ФУҚАРОЛАР ИЖТИМОИЙ, ИҚТИСОДИЙ МУҲОФАЗАСИ

***Таҳририятимизга келаётган хатларнинг кўпчилигида қонунларимизда фуқароларга яратилган имтиёз ва кафолатлар ҳақида батафсил маълумотлар беришимиз сўралади. Шу боис, ушбу мазмундаги саволларни умумлаштириб, ЎзКУФКнинг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон ИСАЕВга мурожаат қилдик.***

**Маълумки, қонунларимиз фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини, манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлайди. Уларнинг баъзиларига эса давр талабларидан келиб чиқиб, тегишли ўзгартишлар киритилади: баъзилари эса қайта ўзгартирилди. Ана шу борадаги фикрларингизни билишни истардик.**

— Мустақил давлатимиз тараққиётини белгилайдиган бешта асосий тамойилдан бири —фуқароларни кучли ижтимоий ҳимоя қилишдир. Бу йўналишда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақалари учун имтиёз ва кафолатлар тизими барпо этилиб, уни такомиллаштириш борасида бир қанча ишлар қилинмоқда.

Жумладан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали фуқароларнинг қатор тоифаларига солиқлар, коммунал ва транспорт хизматлари, тиббий ёрдам, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, уй-жой қуриш каби соҳаларда имтиёзлар берилди.

Айни пайтда бозор иқтисодиёти қонун ва талабларига мос равишда инсон ўз кучғайрати билан турмуш фаровонлигини ошириш учун ҳам шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу борада ҳам биринчи галда ҳимояга муҳтож фуқаролар манфаатлари муҳофазага олинган. Иш билан таъминлаш, меҳнат муносабатлари, солиқлар, тадбиркорлик фаолиятини юритишга оид амалдаги қонунлар бунинг ёрқин далилидир. Шу ўринда мисолларга мурожаат қилсак. Ўзбекистонда меҳнат муносабатлари соҳасида яратилган ижтимоий ҳимоя тизими айрим қўшни давлатлардагига нисбатан бир қанча устунликка эга.

Айтайлик, аёлларга болани парваришлаш учун бериладиган таътиллар бизда бола уч ёшга тўлгунга қадар берилса, Қозоғистонда 1,5 ёшга тўлгунга қадар, Туркманистонда эса бундай имтиёз назарда тутилмаган. Яна бир ҳолат: мазкур таътил даврида Ўзбекистонда бола 2 ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда нафақа тўланса, Молдова, Россия, Тожикистон давлатларида — бола 1,5 ёшга тўлгунга қадар тўланади, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистонда эса — ҳақ тўлаш назарда тутилмаган. Бундан ташқари, Меҳнат Кодексига биноан ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири ҳар ойда ҳақ тўланадиган дам олиш кунидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Украина мамлакатларида эса бундай имтиёз назарда тутилмаган.

Меҳнат Кодексининг 232-моддасига биноан ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили 3 кундан иборат қўшимча таътил берилиши лозим. МДҲ мамлакатлари орасида бундай имтиёз фақат Ўзбекистон ва Украина меҳнат қонунчилигида назарда тутилган, холос.

**— Қонунчилигимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларига, умуман, фуқароларга яратилган имтиёзлар ҳақида батафсил тушунча берсангиз.**

— Бўлимимизда Меҳнат Кодексида ходимларнинг айрим тоифалари учун белгиланган имтиёз ва кафолатлар бўйича жадвал ишлаб чиққанмиз. Ўйлайманки, у орқали саволингизга тўлиқ жавоб оласиз.

| Т/с | Ходимлар тоифалари | Меҳнат кодексидаги имтиёз ва кафолатларга оид моддалар | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Асосий қоидалар | Ишга жойлаштириш | Меҳнат шартномаси | Дам олиш вақти | Меҳнатни муҳофаза қилиш | Қўшимча кафолат ва имтиёзлар |
| 1 | Аёллар | 6 | | | 143 | | 225 |
| 2 | Ҳомиладор аёллар | | | 78,84,96 | | | 224,226,227, 228,229,231, 237 |
| 3 | Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар | | | 96 | | | 227,234,236 |
| 4 | Уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар | | | 78,84 | | | 224,228,228', 234,237 |
| 5 | Икки ёшдан уч ёшгача боласи бор аёллар | | | | 150 | | |
| 6 | Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар | | | | 150 | | 232 |
| 7 | Ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири | | | | | | 230 |
| 8 | Ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар | | 68 | | 144 | | 228,229 |
| 9 | Уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар | | | 103 | 144,150 | | |
| 10 | Уруш ногиронлари | | | 103 | | | |
| 11 | Атом объектларидаги фалокатлар оқибатини тугатишда қатнашган шахслар | | | 103 | | | |
| 12 | I ва II гуруҳ ногиронлари | 6 | 68 | | 135,143, 144,150 | 214,220 | |
| 13 | 18 ёшга тўлмаган шахслар | | | | 135,143, 144 | 214 | 242 |
| 14 | Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган шахслар | | | 103 | 143,144 | | |

**— Маҳмуджон ака, жадвалда келтирилган моддаларга алоҳида шарх бериб ўтсангиз янаям мақсадга мувофиқ бўларди.**

— Бажонидил. Меҳнат Кодекси (МК)нинг 6-моддасига биноан меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар меҳнатга оид муносабатлардаги камситиш деб ҳисобланмайди.

МКнинг 68-моддасига биноан мазкур тоифалардаги шахсларга қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар барпо этиш, иш ўргатишнинг махсус дастурларини ташкил этиш, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга кўрсатилган тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш учун энг кам миқдордаги иш жойларини белгилаб қўйиш, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар билан қўшимча кафолатларни таъминлаш белгиланган.

МКнинг 78-моддасига биноан ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни — тегишлича уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини важ қилиб ишга қабул қилмаслик ғайриқонуний ҳисобланади.

МКнинг 84-моддасига биноан мазкур тоифалардаги ходимлар ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди.

МКнинг 96-моддасига биноан тарафларнинг келишувига биноан ҳамда ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун мазкур тоифалардаги ходимлар аризаси ва уларга берилган тиббий хулоса асос бўлади.

МКнинг 103-моддасига биноан технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ — малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади. Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда жадвалда кўрсатилган ходимлар тоифаларига ҳам ишда қолдириш учун афзаллик берилади.

МКнинг 135-моддасига биноан мазкур тоифаларга мансуб фуқароларга ўттиз календар кундан иборат узайтирилган асосий таътил берилади.

МКнинг 143-моддасига биноан мазкур тоифаларга мансуб фуқароларга биринчи иш йили учун асосий таътил уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан берилади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга йиллик таътилни бермаслик тақиқланади.

МКнинг 144-моддасига биноан мазкур тоифалардаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак.

МКнинг 150-моддасига биноан мазкур тоифаларга мансуб ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади.

МКнинг 214-моддасига биноан иш берувчи меҳнат шартномасини тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан мазкур тоифадаги ходимларни иш берувчи ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт.

МКнинг 220-моддасига биноан Тиббий меҳнат эксперт комиссиясининг ногиронларга тўлиқсиз иш вақти режими ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайтириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларини бажариш иш берувчи учун мажбурийдир. I ва II гуруҳ ногиронларига меҳнатга ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

МКнинг 224-моддасига биноан ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади.

МКнинг 225-моддасига биноан меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек, ер ости ишларида аёллар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади, аёлларнинг улар учун мумкин бўлган меъёрдан ошиқ юкни кўтариш ва ташишлари ман этилади.

МКнинг 226-моддасига биноан ҳомиладор аёллар енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилишлари лозим. Ҳомиладор аёлга енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар, у ана шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилади.

МКнинг 227-моддасига биноан икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилиши лозим.

МКнинг 228-моддасига биноан ҳомиладор аёлларни ва 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга ҳомиладорлар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиғи учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

МКнинг 228.1-моддасига биноан уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати иш ҳақини камайтирмаган ҳолда белгиланади.

МКнинг 229-моддасига биноан ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир.

МКнинг 230-моддасига биноан ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир кун дам олишга рухсат этилади.

МКнинг 231-моддасига биноан ҳомиладор аёлларга ва бола туққан аёлларга йиллик таътиллар уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришлаш таътилидан кейин берилади.

МКнинг 232-моддасига биноан ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил, шунингдек, уларнинг хоҳишига кўра, ўн тўрт календар кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади.

МКнинг 234-моддасига биноан ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади. Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади. Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллар меҳнат стажига, шу жумладан, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

МКнинг 236-моддасига биноан икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз минутдан кам бўлмаган муддат билан берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобидан ҳақ тўланади.

МКнинг 237-моддасига биноан ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди. Корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно. Бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади. Мазкур аёлларни ишга жойлаштиришни маҳаллий меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органи уларни ишга жойлаштириш даврида қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан таъминланган ҳолда амалга оширади. Муддати тугаганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам иш берувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатиб ўтилган аёлларни ишга жойлаштириши шарт. Ишга жойлаштириш даврида бу аёлларнинг иш ҳақи сақланиб қолади, бироқ бу муҳлат муддатли меҳнат шартномаси тугаган кундан бошлаб уч ойдан ошмаслиги керак.

МКнинг 242-моддасига биноан иш вақтининг муддати ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар (таътил даврида ишлаётган ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар) учун ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати ушбу модданинг биринчи қисмида тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас.

**Суҳбатдош: Дилором АЛЛАҚУЛОВА.**

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



***Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини эндигина бошлаётган кичик бизнес субъектларининг молиявий имкониятларини кенгайтиришга қаратилган муҳим қадам бўлди.***

## ТАДБИРКОРГА ҒАМХЎРЛИК

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк ва Молия вазирлиги томонидан «Тижорат банклари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом»нинг янги таҳрири ишлаб чиқилди. Шу муносабат билан Марказий банкда мазкур Низомнинг тақдимотига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда тижорат банклари, бюджетдан ташқари жамғармалар ва Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг республика, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўлимлари раҳбарлари, тадбиркорлар вакиллари ҳамда Марказий банкда фаолият кўрсатаётган халқаро молия институтлари вакиллари иштирок этди.

Тадбиркорлик субъектлари учун Низомда белгиланган энг катта ижобий ўзгаришлардан бири энди фаолият бошлаётган микрофирмалар, юридик шахс мақомидаги деҳқон хўжаликлари, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларига, улар давлат рўйхатидан ўтганларидан кейин 6 ой мобайнида, дастлабки сармояни шакллантириш учун «Бизнес-фонд» ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаларининг тижорат банкларида очиладиган кредит линиялари ҳисобидан кредитлар олишлари мумкин.

Маълум бўлдики, дастлабки сармояни шакллантириш учун бериладиган кредитлар ниҳоятда паст - йиллик 4 фоиз ҳисобига берилади. Фоизлар тўловини амалга ошириш кредит олинган кундан 12 ой ўтгандан кейин бошланади.

(ЎзА).

*Маънавиятимиз сарчашмалари*

# ҲУНАРМАНДЛАР ВА МЕЪМОРЛАР ШАҲРИ

***Милодий IX асрда бутун Мовароуннахрда бўлгани каби Термизда ҳам маданиятнинг барча жабҳаларида кескин ўзгариш юз берди. Бу ўзгариш ёзув ва тилда, меъморчиликда, танга пулларнинг зарб этилишида, кулолчиликда ва моддий маданиятнинг бош-қа турларида ўз ифодасини топди.***

IX-X асрларда яшаб ўтган араб, форс тарихчилари Ибн Хардадбек, Ат-Табарий ва Истахрийлар Термиз шаҳрининг умумий ҳудуди 500 гектар ерни эгаллаганлигини ёзиб қолдирганлар.

Ўрта асрларда Термизда шишасозлик, кулолчилик, қайиқ ишлаб чиқариш кенг тараққий этганлиги маълум. Термизшоҳлар саройидан топилган шишадан ясалган тақинчоқлар ўзининг такрорланмаслиги билан ажралиб туради. Шаҳар работининг Амударёга яқин жойида темирчи усталар юксак маҳорат билан металлдан ясаган шамдонлар, сурмадонлар, аёллар учун қош тергичлар ва бошқа жуда кўп меҳнат қуроллари бу ерда темирчилик ҳам ривож топганлигидан дарак беради.

Кўҳна Термизни ўрганиш ўтган асрнинг 20-30 йилларида бошланган эди. Узоқ танаффусдан сўнг 70-80 йилларда А.Асқаров раҳбарлигидаги Сурхондарё археологик экспедицияси иш олиб борди. Бугунги кунда Ртвладзе, Ш.Пидаев, Т.Аннаевлар билан бирга франциялик археолог-олим Пьер Лериш, япониялик профессор Като ва бошқа тадқиқотчилар жиддий изланмоқдалар.

Тадқиқотлар эса IX асрдан бошлаб шаҳарсозликда пиширилган ғиштдан фойдаланганлигини тасдиқламоқда. Уйлар, сарой, қабул заллари, масжидлар, мадрасалар пишиқ ғиштдан қурилиб, уларга ислимий ва гириҳ нақшлар билан ишлов берилган. Меъморчилик иншоотларини барпо этишда мураккаб қурилиш услублари, қуббалар, ёйсимон арклар, гумбазлар, пештоқлар ва кунгурали устунлар кенг қўлланилган.

Ана шундай тарихий иншоотлардан бири рус мустамлакачилари томонидан бузиб ташланган Чор устун масжид-минораси ҳисобланади. Чор устун масжиди пишиқ ғишт ва ганж қоришмасидан терилган бўлиб, 9 та устундан иборат бўлганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Араб сайёҳи Ал-Мақсидий X аср ўрталарида Чор устун ҳақида ёзар экан: «Намозгоҳ масжиди Термиз работининг ўртасидадир» дейди.

Термизнинг XI-XII асрлар бошларига оид энг ноёб ёдгорликларидан бири Термизшоҳларнинг шаҳар четидаги саройидир. 10 гектардан иборат бу сарой шаҳарнинг шар-қий қисмида, ям-яшил боғлар орасида жойлашган. Тўғри тўртбурчак шаклидаги сарой махсус мудофаа девори билан ўралган, деворлар ташқари томондан миноралар билан мустаҳкамланган. Саройда 24 та минора бўлган, деворларида махсус шинаклар ҳам қурилган. Саройнинг ғарбий ва шарқий қисмларида иккитадан дарвоза бўлиб, учта катта бино мазкур майдоннинг асосий қисмида жойлашган. Бу бинолар асосан Чингизхон юришлари даврида вайрон қилинган, қолган қисми эса рус мустамлакачилари томонидан бузиб ташланган. Боз устига ташландиқ ҳолга келган бино ва унинг атрофи ўзлаштириш пайтида текислаб юборилган.

Саройнинг ичкари қисми ниҳоятда чиройли қилиб безатилган. Кўпгина геометрик нақшлар, ўсимлик нақши, яъни барг ва узум шодасига ўхшаш нақшлар биргаликда учрайди. Сарой қабулхонасига ташриф буюрганлар жанубий ички девордаги фантастик ҳайвонлар тасвиридан ҳайратга тушганлар. Ниҳоятда гўзал қилиб безатилган қабулхонанинг томида жойлашган турли хил рангдаги шишалардан панжара орқали тушаётган ёруғлик эса залга янада сирлилик бағишлаган.

Қирқ қиз мақбараси ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Иморат асосан хом ғиштдан терилган бўлиб, усти лой сувоқ қилинган, наққошлик ва меъморчилик услубида безалган. сарғиш рангли бўлган. Бинонинг ички қисми эса безаксиз, икки қаватли иморат. Бино тархи тўрт бурчак шаклида бўлиб, ўртасида квадрат шаклидаги ҳовлиси ва 50 га яқин умумий хоналари бўлган.

Умуман, Термиз шаҳрининг ўрта асрлар даври меъморчилиги, айниқса мақбаралар қурилишида кўпроқ ўз имкониятларини намоён этган.

Бинобарин, Термизнинг X-XVIII асрлар меъморчилик иншоотлари туркумига Зул-Куфё, Султон Саодат мақбаралари, Шерободдаги Хўжа Исо ота ёки Абу Исо ат-Термизий мақбараси, Сеплон қишлоғидаги Отаулло Саид Ваққос, Ангордаги Хўжа Рушнойи, Термиз тумани «Янгиариқ» жамоа хўжалигидаги Ўйиқ гумбаз, Тўртовуз гумбаз, Сариосиёнинг Телпакчинор қишлоғидаги Оқостона бобо мақбараси, Жарқўрғон туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Жарқўрғон минораси каби кўплаб обидаларни келтириш мумкин.

Шундай қилиб, IX-XII асрларда Термизда шаҳарсозлик, меъморчилик тез суръатларда ривож топди, тараққий этди.

Шу даврда термизлик оналар шундай фарзандлар тарбияладиларки, улар шоҳ, ҳоким, уламо, шайх, олим, мусаввир, наққош, заргар, ҳайкалтарош, бинокор, ҳофиз, уста, косиб, ҳунарманд, муҳандис, элчи, сайёҳ бўлиб етишдилар. Ўз шаҳри шуҳратига шуҳрат қўшиб, Термизий тахаллусида ижод қилдилар.

**Аҳмад ИСАЕВ,**
**тарих фанлари номзоди.**
**Тўлқин ЖАЛИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

*Конимех туманидаги Жамбул номли мактабда таълим-тарбия ишларини давр талаблари даражасида ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда тажрибали, юқори малакали ўқитувчилар кўп. Комила Сулаймонова (суратда) уларнинг бири. Муаллима ўқувчиларга билим беришда замонавий усуллардан, кўргазмали қуроллардан унумли фойдаланади.*

## КУТУБХОНАГА ТОРТИҚ

«Мактабнинг ёш мутахассиси» деб номланган методик ҳафталик машғулотларига кўплаб ёш ўқитувчилар фаол қатнашмоқдалар. Ёш ўқитувчилар педагогик маҳоратини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ташкил этилган бу тадбир ўзининг маърифий аҳамияти билан ҳам ажралиб туради.

Тажрибали методист ўқитувчилар томонидан уюштирилаётган машғулотларда ўқувчиларга билим беришнинг муҳим жиҳатлари ўз амалий ифодасини топмоқда.

Тингловчилар институт кутубхонасидан ҳам унумли фойдаланишмоқда. Яқинда бу зиё маркази кўпгина янги китоблар билан бойиди. Улар орасида Халқаро болалар жамғармаси томонидан тортиқ қилинган адабиётлар ҳам бор.

*Фахр*

# КО МИНГ: ЎЗБЕКНИНГ СОВҒАСИ

***Уни билмаган киши юртдошларимиз фарзанди — мактаб ўқувчиси бўлса керак, деб ўйлайди. Аввалига мен ҳам шундай хулосага боргандим. Кўзлари қисиқ бу қизнинг бежирим либослари ўзига ярашган, елкасида мактаб ўқувчиларимизнинг китоб сумкаси бор эди.***

У билан танишувим тасодифан юз берди. Бир сафар газета дўконидан «Ишонч»нинг янги сонини олдиму варақлай бошладим. Шу пайт ўзбек тилида бироз қийналиб сўзлаётган қиз эътиборимни тортди. Танишдик. Асли жанубий қуриялик Ко Мин билан бирпасда суҳбатимиз қовушиб кетди. Юртимизга ўзбек тилини ўрганишга келибди. У газета дўконидан лотин алифбосида нашр этилган китобни сотиб олди.

— Бизда ҳам лотин алифбосида ўқитишади, — изоҳ берди Ко.

— Келганингизга анча бўлдими?

— Икки ойча бўлиб қолди. Гапираяпман, — дейди қувноқлик билан.

— Ўзбекистон сизга ёқдими? — сўрайман ундан.

Ко тўлқинланиб гап бошлайди:

— Ҳар бирингизда Ватанга ифтихор туйғуси ғоят кучли экан. Кўплаб дўстлар орттирдим. Улар орасида талабалар ҳам, ишчилар ҳам, ишқилиб ҳамма-ҳамма бор. Юртни севишларини ҳар бирида бекаму кўст кўрдим.

— Эътиборингизни қай жиҳатлар тортди? — яна сўрайман ундан.

— Биласизми, Ўзбекистоннинг байроғи жуда чиройли экан.

— Урф-одатларимиз-чи?

— Ўзбекларда ота-онага, ёши улуғларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғуси кучлилигига амин бўлдим. Муҳими, бунинг жамиятингиз ҳаётида тутган ўрни беқиёс экан. Энг қизиқ томони, бунчалик кўп тўй қиладиган миллатни мен кўрганим ҳам, эшитганим ҳам йўқ.

— Ёзувчиларимиздан кимни биласиз? — деб сўрайман.

— Шу пайтгача иккала Абдуллаларни билардим. Бирининг «Тобутдан товуш» асари бизнинг тилимизга таржима қилинган, иккинчисининг асарлари билан ҳали танишишга улгурмадиму, аммо қатағонга учраганини ўз матбуотимиздан ўқиб билганман.

Тошкентга келиб илк ўқиб таниганим шоир Абдулла Орипов бўлди. Бизда давлат мадҳиясини ёзган кишилар жуда улуғ шоир сифатида эъзозланади. Сизларда биздан ҳам ортиқ экан.

...Ко билан анча вақтгача суҳбатлашдик. У бизнинг юртдаги ҳар бир нарсанинг моҳиятини тезроқ билиш ниятида жуда кўп савол берар, дарсга шошилаётган талабаларга, катта асфальт йўлдан елдек учиб бораётган «Нексия», «Дамас», «Тико» автомашиналарига ҳавас билан қараб қоларди.

Йигирма олти ёшли жанубий қуриялик қиз Ко Миннинг ҳавасига нисбатан менинг ҳавасим ортди. Қўлимдаги куни кеча муаллиф томонидан совға қилинган «Ватанни ўрганиш» номли китобни унга тутдим-да, икки қадам нарида овоз ёзиш студиясидан машҳур санъаткорларимиздан бирининг қўшиқлари ёзилган аудио-кассетани ҳам олиб келиб бердим.

Ко чиройли бир табассум қилди-да:

— Ҳа, ҳа, айтмоқчи, ўзбекнинг совғаси жуфт бўлади-я, — деди.

**Камолиддин МИНГБОЕВ.**

*Спорт*

# ХИТОЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ

## жаҳон чемпионатига йўлланма олди

Ёдингизда бўлса, қуръа ташлашдан сўнг ўнта жамоа икки гуруҳга ажралгач, хитойлик футболчилар мураббийи Бора Милутинович оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида катта кетиб, агар терма командам жаҳон чемпионатига бериладиган йўлланмани олмаса, мен ўзимни Хитой деворидан ташлайман, деб юборган эди.

Бугун энди эътироф этишимиз лозим: мураббий ваъдасининг устидан чиқди. Куни кеча Хитой терма жамоаси уммонликларни қабул қилиб, сўнгги маррани босиб ўтди. Ҳисоб — 1:0.

Милутинович шогирдлари яна икки учрашув ўтказадилар: Қатар командасини ўз майдонларида қабул қилгач, 19 октябрда Тошкентда меҳмон бўладилар. Индаллосини айтганда, бу ўйинлар бугун Хитой терма командаси эгаллаб турган мавқега таъсир кўрсата олмайди. Айнан шунинг учун ҳам елкадан босиб турган оғир юкдан халос бўлган футболчилар янада ҳужумкор ва албатта, чиройли ўйин намойиш этадилар, деб тахмин қилиш мумкин.

**«В» гуруҳидаги бугунги ҳолат**

| ЖАМОАЛАР | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Хитой | 6 | 5 | 1 | 0 | 10-1 | 16 |
| 2. БАА | 7 | 3 | 1 | 3 | 8-9 | 10 |
| 3. Қатар | 7 | 2 | 3 | 2 | 10-7 | 9 |
| 4. Ўзбекистон | 6 | 2 | 1 | 3 | 10-10 | 7 |
| 5. Уммон | 6 | 0 | 2 | 4 | 1-12 | 2 |

Юртимизни бежиз «жаннатмакон» дея алқашмайди. Чунки тўрт фасл тугаллигини фақат бизнинг ўлкамиздагина учратасиз. Баҳорнинг бор тиниқ таровати, ёзнинг баракага бой тиниқлиги, кузнинг тиллоранг сокинлигию қишнинг зумрад ёпинчиғи — биздаги тўрт фаслнинг суврати ана шундай. Бугун кўз олдимизда ана шу сувратлардан бири намоён — олтин куз. Уни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Уни фақат томоша қилиш, ундан фақат завқланиш мумкин.



**Ҳ.СОЛИҲОВ**
**олган сурат.**

# МАРКАЗ ДАСТУРИ АСОСИДА

Тошкент Давлат авиация институтида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанини ўрганиш ва тарғиб қилиш» маркази иш бошлади. Олий ўқув юрти миқёсида миллий истиқлол ғоясини талаба ва ходимлар онгига сингдиришга қаратилган тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида очилган ушбу марказ институт маънавият ва маърифат бўлими раҳбарлигида қатор таълимий тадбирларни белгилаб, уларни амалга оширишга киришди.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича методик семинарлар ўтказиш режалаштирилгани ҳам айни муддао бўлди.

«Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий курашлар», «Юксак маънавият — келажак пойдевори» каби мавзуларда маърузалар ҳам ташкил этилди.

Олий ўқув юртининг техник ходимлари учун эса «Миллий истиқлол мафкураси», «Миллатлараро ҳамжиҳатлик» деган маъруза машғулотлари ҳам уюштирилди.

**А.АЛИЕВ.**

# ЁШЛАР КУТГАН ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг чет мамлакатлар билан олиб бораётган ҳамкорлик дастурлари доирасида янги дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишга ҳам эришилмоқда. Бу эса таълим мазмуни ва ўқитиш услубини янгилаш, илғор педагогик технологияларни ўқитиш жараёнига тадбиқ этишда ҳам муҳим маърифий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарсликларнинг янги намуналарини яратиш, ўқув адабиётлари матни ва иллюстрацияларининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш, нашрчилик жараёнининг сифатини оширишда Осиё ривожланиш банки, Британия Кенгаши, Германиянинг Гёте институти билан ҳамкорлик қўл келмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбекистонлик мутахассислар гуруҳи Буюк Британияда бўлиб, инглиз методист олимларининг дарслик яратишдаги бой тажрибасини ўрганиб қайтишди.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа тажрибалар асосида «Иқтисодий билим асослари», «Информатика», «Инглиз тили», «Немис тили» каби дарсликлар юзага келди. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар эса «Ўзбек тили» дарслиги билан таъминланди.

Эндиликда 40 га яқин номдаги дарслик яратиш устида қизғин ишлар бошлаб юборилди.

# ШАРҚУ ҒАРБ МУЛОҚОТИ

***Пойтахтимизда ўтказилаётган "Биеннале-2001" халқаро кўргазмаси ниҳоясига етди. Унда Европа, Осиё, Африка мамлакатларидан ташриф буюрган мўйқалам соҳиблари иштирок этишди. Миллий матбуот марказида кўргазманинг ёпилишига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

- Биеннале аслида италянча сўз бўлиб, ҳар икки йилда бир марта ўтказилади деган маънони англатади, - деди ҳайъат раиси Арно Д'Оторив "Туркистон-пресс" мухбирига. – У XXI аср Шарқ ва Ғарб санъати уйғунлигидаги янги ғояларни ривожланишида муҳим омилдир. Даставвал кўргазма дунёнинг турли хил давлатларида тадбир сифатида ўтказилар эди. Йиллар ўтиб кўргазмани мавқеи анча юксалди. Ушбу халқаро кўргазма энди Тошкентда доимий равишда ўтказилиб борилади. Кўргазманинг аҳамиятли томони шундаки, ўзбек миллий санъатини дунё миқёсига чиқариш, халқаро алоқаларни ривожлантириш ва замонавий тасвирий санъат йўналишлари билан ижодкорлар ва мухлисларни яқиндан таништириш имкониятини беради. Бир жиҳатдан у Ўзбекистоннинг дунё аҳли билан маданий алоқаларини юксалтиришга ҳисса қўшса, яна бир томони, жаҳон тасвирий санъатининг сўнгги ютуқлари ва кашфиётлари билан мамлакатимиз аҳлини яқиндан таништиради.

А. Д'Оторивнинг таъкидлашича, кўрик-танлов ижодкорларни рағбатлантириш учун бир мезондир. Кўргазма тасвирий санъатнинг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган янги оқимларида ижод қилаётган истеъдодларни кашф қилишга қулай шароит яратди. Кўрик-танлов ғолибларини аниқлаш ҳайъат аъзолари учун анча мушкул бўлди. Танловда қатнашган ҳар бир ижодкорнинг асари ўзига хос. Лекин улар орасидан Жамол Усмонов танлаб олинди. Негаки, у яратган асарлар инсонпарварлиги, миллий анъаналарни қайта туғилиши ва уларни маънавий-эстетик шарҳланишига кўра ҳамда ижодий ўзига хослиги билан анча мукаммал эди.

– Бу мукофот менга насиб этганидан хурсандман, бу Ўзбекистон санъатининг ютуғи деб ўйлайман, - деди танловнинг бош совриндори Ж. Усмонов.

Фахрли биринчи ўринга россиялик Юрий Русаев, иккинчи ўрин голландиялик Роналд Клейрга насиб этди.

Кўрик-танловда иштирок этганлар ҳомийлар томонидан муносиб тақдирландилар.

**"Туркистон-пресс"**

Пахтачи туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси жамоаси қўмита раиси ўринбосари Ризо Шериевга акаси

**Норберди ХИДОЯТОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ISHONCH**

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси**

**Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.**

**Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган**

*Босишга топшириш вақти - 21.00*
Топширилди 23.15

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

***«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.***

Буюртма Г— 2924. 1 2 3 4 5 6